

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ  
БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**47** Ваколатли банклар томонидан норезидентларнинг  
Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги  
ҳисобварақларини юритиш Тартибига ўзгартириш ва қўшим-  
ча киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил  
4 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 510-2*

*(2010 йил 14 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги (янги таҳрирда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 6-модда) қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ–1245-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 5 сентябрда 231-сон билан тасдиқланган «Ваколатли банклар томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини юритиш Тартиби»га (рўйхат рақами 510, 1998 йил 22 октябрь) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк  
раиси в.в.б.**

**Қ. РОФИЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 26 декабрь,  
38/11-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.